

НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ “ЎН УСУЛ” АСАРИ ТАҲЛИЛИ

ЭГАМОВ АБДУМАЛИК АДИХАМОВИЧ

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, Исломишунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
abdumalikegamov79@gmail.com

Аннотация: Юртимиз олимлари Ислом илмининг барча соҳаларида жуда кўп ишларни амалга оширганлар. Мамлакатимизда ҳадис, тафсир, ақида, фикҳ ва бошқа соҳалар билан бир қаторда тасаввуф илми ҳам ривожланган. Ушбу мақолада мамлакатимизнинг буюк тасаввуф шайхи, Кубравия тариқати асосчиси Нажмиддин Куброниинг илмий мъриси ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Қуръон, тафсир, ҳадис, ақида, фикҳ, тасаввуф, тарих, муфассир, фалсафа, таъвил, сура, оят.

Annotation: scientists of our country have done a lot of work in all areas of Islamic Science. In our country, along with Hadith, Tafsir, aqidah, fiqh and other fields, the science of mysticism has developed. This article details the scientific work of Najmiddin Kubro, the great mystic Sheikh of our country, the founder of the Kubravian sect.

Keywords: Quran, Tafsir, Hadith, Creed, Fiqh, Sufism, history, mufassir, philosophy, Ta'vil, Sura, verse.

Нажмиддин Куброниинг илмий меросини ўрганар эканмиз, улар орасида бир-бирига боғлиқликни кўрамиз. Барча асарлари мазмуни тафаккурга, ақл-идрок билан нафсни поклаш, қалбнинг софлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу йўлни имкон қадар қисқартиришга ҳаракат қилган. Бундай қарашлари асарлари номларида ҳам акс этган. Муаллифнинг “Усулу-л-ашар” (Ўн усул) асари бунга мисол бўлади. Дунёнинг кўплаб кутубхоналарида турли номдаги нусхалари мавжуд.

Мустафо Қораниинг аниқлашича, мазкур асар Туркия кутубхоналарида бир қанча номлар билан сақланади. Куброшунос С.Гўкбулут ҳам ушбу кутубхоналардаги “Ҳидоят-и-толибин”, “Рисолату фи-т-тариқати Нажмиддин Кубро”, “Рисолаи аҳволи тариқат” ва “Рисолату-л-мулук фи қурби тариқи-с-сулук” каби қўлёзмаларни ҳам айнан “Усулу-л-ашар”нинг навбатдаги нусхалари, деган хулосага келган. Шунингдек, Эрон кутубхоналаридаги “Рисолату василу илаллоҳ”, “Рисолаи даҳ қоидаи сулук” ва “Ашарату-л-камал” каби қўлёзмалар ҳам Шайхнинг “Усулу-л-ашар” нусхалари сифатида қайд этилган[1:73].

Маълум бўлмоқдаки, ушбу рисола асрлар мобайнида турли тилларга таржима қилинган ва унга кўплаб шарҳлар ёзилган. Асар ҳақида таржима ва шарҳларини атрофлича ўрганган А.Бектошева ўз тадқиқотида етарлича маълумот бериб ўтган.

Бу таржима ва нусхалардан бошқа яна араб тилидаги “Баёну акробу-т-торик” (بيان اقرب الطرق) ва “Рисалату фи-с-сулук” (رسالة في السلوك) номли қўлёзма нусхаларини ўрганган араб тадқиқотчиси уларни Аҳмад Фарид Мазидий таркиби “Усулу-л-ашар”нинг айни ўзи дейди[2:52].

Муаллиф таъкидлаганидек, “Ҳаққа элтувчи йўл нафас қадар беадат бўлсада, уларнинг афзали ўнтадир”. Шу тариқа ўз асари номини “Усулу-л-ашар” деб номлаган. Нажмиддин Кубро таълимотига хос ўн усули, яъни ўн қондаси:

1. “Тавба”. Ўз гуноҳини билган ҳолда Аллоҳдан гуноҳларининг авф этилишини сўраш. “Тавба” қабул қилиниши учун кишидан қилган гуноҳлари учун доимий афсусда ва ўша ҳатоларни бошқа қайтарилмаслиги талаб этилади. Чунки Ҳаким киши бир илон қавагидан икки марта чақилмайди.

2. “Зухд”. Барча шубҳа-гумонларни тарк этиш. “Зухд” ва “тақво” калимаси орасида фарқ бўлиб, “зуҳд” сабаби гумон нарсаларда, тақво эса сабаби аниқ нарсаларда бўлади. Нажмиддин Кубро назарда тутган зуҳд даражасига интилаётган кишилар, тақво даражасидан ўтганлар ҳисобланади, чунки улар аниқ қайтарилган ишларни қилмаганлар.

3. “Таваккул”. Барча ишларда Аллоҳга суяниш. Ҳаётий турмуш, тақдир ва ризқда, амал ва ҳаракатларда фақат Аллоҳга таяниш. Кўринишдан “етти ўлчаб бир кес” мақолига мос келмаса-да, лекин инсон қанча аниқламасин яратганнинг ҳисоби аниқроқдир.

4. “Қаноат”. Ўз нафсини тийган ҳолда бориға шукрона, йўғига қаноат қилиш. Қаноатлилик инсонни исён ва ношукурчиликдан асрайди. Исён, кишининг тинчини бузса, ношукурлик раҳмат эшигини ёпади.

5. “Узлат”. Холи жойда ёлғиз қолиб, ўз қалбини фақат Аллоҳга боғлаш, Ўз-ўзининг ботинини тарбиялаш. Узлат ҳақидаги асарларида “Узлат дар анжуман” (Халқ ичида ёлғизлик) халқ билан бўлиб, қалб яратган билан бўлишлик деб ҳам айтилади.

6. “Таважжух”. Бутун вужуди ила Аллоҳга интилмоқ, талабда бўлмоқ. Солик ҳамма вақт яратгандан мадад сўраб, қалбан унга интилмоқликдир.

7. “Сабр”. Барча ишларда чидамли бўлмоқ. Барча оғирликларни сабр билан енгмоқ. “Қасос” сураси 24-оят шарҳида Нажмиддин Кубро: “Солик агар муршиди комил топса, ундан олган маърифат билимларига қаноат қилмасдан, янада кўпроқ билим олиб, коинот сир-асрорларидан бохабар бўлишга чақириб, барча ишларда сабрли бўлиш мақталади, лекин комилликка интилиш йўлида сабрли бўлиш мақталмайди”, дейди[3:352].

8. “Муроқаба”. Фикр қилиш, кузатиб бориш, тўғрисида англаб, Ҳаққа юзланиш. Муроқабада солиқ руҳан бойиб, тасаввур ва ҳаёллари кенгайиб, ғайб сир-асрори эшиклари очилади.

9. “Зикр”. Солиқ ҳар ерда, ҳар қачон Аллоҳни тил ва дилидан айирмаслиги, Ҳақ номини дилда ва тилда такрорлаб юриши. Зикр тил ва дилда такрорланиши билан бирга, амалда ҳам бажарилиши талаб этилади. Қалбдан чиққан зикр, ахлоқда намоён бўлиб, зокирнинг ҳулқини тубдан ўзгартириб, унинг халқ орасида ҳалим номига сазовор бўлишига сабаб бўлади.

10. “Ризо”. Барча ишлар, насибалар, тақдир ва қазолар Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлганини тушуниб етган ҳолда Ҳақ ишига рози бўлиш.

Ҳ.Исломий таъкидлаганидек, Нажмиддин Кубро ўн усул қондаси билан янги тарийқ яратиб, майдонга чиқди, теран моҳиятли ҳикматлари билан XII-XIII асрда ўзидан олдин Ҳужжатул ислом Имом Ғаззолий бошлаган сирли олам сирларини билишда яна ҳам илгарилаган ва юқорилаган эди. Кубронинг “Фақирлик ҳақида” рисоласи бу моҳиятни яна ҳам ойдинлаштириб беради[4:52].

Нажмиддин Кубронинг бошқа асарларида ҳам ўн сонига алоҳида урғу берилган. Жумладан, “Рисола ила-л-ҳоим”, “Одобу-с-сулук” ва “ат-Таъвилот ан-нажмия” рисоаларида ўн сони кўп ўринларда ишлатилади. Асарда санок сонлардан иккилик нафс масаласида, учлик тақво ва ҳидоят масаласида, олтилик зикр масаласида, ўнлик “бе” ҳарфида” ва ўн иккилик “мим” ҳарфлари таснифида фойдаланилган. Тафсир асарида “бе” ҳарфининг ўн кўриниши бор, дейди.

Бу каби ўхшашликлар муаллифнинг асарларида бир неча марта такрорланади, асарлардаги ўхшашликларни кўплаб тадқиқотчилар айтиб ўтган, лекин биз яна бир ўхшаш жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз. Асарларнинг номланиши қисқа ва аниқ бўлиб, бир неча асарларда қайтарилади. Масалан; “Фақирлик ҳақида рисола”, “Яқин йўл”, “Ўн усул” ва “Ўқувчилар одоби” асарларини айтишимиз мумкин. Асарларнинг номланишининг аниқ ва қисқалиги Нажмиддин Кубронинг “Аллоҳга этгувчи йўллар нафс қадар беадат бўлса-да, асосийси ўнтадир” сўзининг моҳиятини кўрсатади.

“Усулу-л-ашар” асарида шарҳ ҳисобланган Исмоил Бурсавийнинг (ваф. 1725) “Шарҳу-л-усули-л-ашар” асари жуда кўп тилларга таржима қилинган бўлиб, бошқаларига нисбатан кенг қамровли ва муфассал ҳисобланган бу шарҳ ўзбек тилига ҳам таржима қилинган[5:29-80].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Нажмиддин Кубро номи остида олти та қўлёзма нусхалари сақланади. [6:42]

Хулоса ўрнида Нажмиддин Кубронинг илмий меросига оид асарларни аниқлаш жараёнида унинг илмий фаолиятига оид маълумотлар жомланиб, тадқиқот натижасига кўра, Нажмиддин Кубронинг Абу Райҳон

Беруний номидаги шарқшунослик қўлёзмалар институтининг асосий фондида сақланаётган бта турли даврда қўчирилган қўлёзма нусхаси ва бизда мажуд бўлмаган “ат-Таъвилот ан-нажмия” номли тафсир асари Туркия, Эрон, Миср, Ливан, Россия кутубхоналарида сақланиб келинаётганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бектошова А. Тариқат маърифат ва шеърият муштараклиги (Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2019.
2. Нажмиддин Кубро. “Ат-Таъвилот ан-нажмия”. Таҳқиқ Аҳмад Фарид Мазидий. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия.2009. Ж.1.
3. Нажмиддин Кубро. “Ат-Таъвилот ан-нажмия”. Таҳқиқ Аҳмад Фарид Мазидий. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия.2009. Ж.IV.
4. Хайруллаев М. таҳрири остида. Жалолиддин Мангуберди 800 йиллик юбилейига бағишлаб қўлёзма манбалар асосида ёзилган тўпلام. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди (даври, маданий ҳаёт манбалар). – Ташкент: Фан 1999.
5. Шайх Нажмиддин Кубро, Тасаввуфий ҳаёт, - Мовароуннаҳр, -Тошкент, 2004.
6. Эгамов А. Нажмиддин Кубронинг тафсир илми ривожига қўшган ҳиссаси. Исломушунослик фанлари бўйича фалсафа докторлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2022. – Б.42.